



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА РАЎБАТЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахмедов Анвар Тоирович

ИИБ Академияси мустақил изланувчи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10441830>

ARTICLE INFO

Received: 22th December 2023

Accepted: 28th December 2023

Online: 29th December 2023

KEY WORDS

Рағбатлантириш, ички
ишлар органлари, қонун,
қарор.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари бошқарувида рағбатлантириш усулини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ўрганилиб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда давлат бошқарувида кенг қўлланиладиган рағбатлантириш институтининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичларини таҳлил қилиб, О. М. Киселева ва А.В. Малько қонунчилик тартибсиз ва индивидуал элементлардан ривожланишнинг минг йиллик босқичидан кўпроқ вақт давомида рағбатлантириш чоралари кенг тизим даражасида ривожланди¹.

Шунингдек, ушбу усул ички ишлар органларида ҳам кенг қўлланилиб ҳуқуқий тартибга солинган. Башарти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори² билан ички ишлар органларида рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилди. Жумладан, Қарорнинг “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми” кодекси акс этган 1-илоvasида Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этиш ходимларда юксак онгу тафаккурни шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш орқали таъминладиган бўлди.

¹ Киселева О. М., Малько А. В. Институт правового поощрения в России: историко-юридический аспект // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1999. № 3 (226). С. 40. Также см.: Бахрах Д. Н. Поощрение в деятельности публичной администрации // Журнал российского права. 2006. № 7. С. 71; Осинцев Д. В. Методы административного воздействия. СПб.: Юридический центр «Пресс», 2005. С. 101; Жураев А. Давлат фуқаролик хизматида рағбатлантириш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 8/5. – С. 326-335.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори [Электрон манба: <https://www.lex.uz/uz/docs/6364837>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].



Жумладан, кодекснинг 30 бандида ички ишлар органлари ходимларига нисбатан 6 та рағбатлантириш чоралари қўлланилиши белгиланди. Булар:

1. миннатдорлик эълон қилиш;
2. қимматбаҳо ёки эсдалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;
3. фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
4. идоровий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
5. муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш;
6. эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш кабилардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон³ қарорида ҳам Ички ишлар органлари тизимида ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи интизомий кенгашлар ташкил қилингани, улар фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида хизмат вазифаларини виждонан бажараётган ва ишда ижобий натижаларга эришган ходимларни уларнинг фаолиятини мукофотлаш чораларини кўриш ва ички ишлар органларида амалда бўлган ижтимоий таъминот соҳасидаги тегишли имтиёزلарни бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ва илтимосномалар киритиш орқали **рағбатлантириш** назарда тутилгани алоида эътиборга моликдир.

Бундан ташқари қарорда ички ишлар органларининг барқарор профессионал кадрлар таркибини шакллантириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, ходимларнинг узоқ муддатли хизматини **рағбатлантириш**, шунингдек шахсий таркибни унинг касбий малакаси, шахсий фазилатлар ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда лавозимларга оптимал тақсимлаш ва қўйилган вазифаларни виждонан ва ташаббускорлик билан бажарувчи ходимларни **рағбатлантириш**, шунингдек масъулиятсиз ходимларга нисбатан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо тайинлаш бўйича чораларни ўз вақтида ва холисона кўриш орқали ички ишлар органларида мустаҳкам хизмат **интизомини таъминлаш** вазифалари юклатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги “Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 539-сон қарори⁴ билан янги рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилди булар:

Энг яхши ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи;

Энг яхши профилактика инспектори;

Энг яхши терговчи;

Энг яхши тезкор ходим номинациялари бўйича республика ҳар йили “25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни”ни нишонлаш чоғида эълон қилиш орқали

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори [Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/3430641>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги “Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 539-сон қарори [Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5600136>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].



бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ғолибларни ҳар ойлик пул таъминотининг 100 фоизигача миқдорда бир йил давомида моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш белгиланганлигини ўзи ҳам ходимларни рағбатлантириш усулини бири тури бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу рағбатлантириш усулини танлов асосида ташкил этиш орқали ходимлар онгида намуна бўлиш учун ҳаракат қилиш ҳуқуқий ички ишлар органларини обрўсини ҳимоя қилиш борасида ҳисларини уйғотишга сабаб бўлди. Сўзимиз исботи сифатида мисол қилиб уларни танлов босқичлари бўйича рағбатлантиришига назар солсак. Ушбу танловнинг ғолиб ва совриндорлари қуйидаги тартибда тақдирланади:

а) ҳудудий саралаш босқичида:

1-ўрин учун — I даражали диплом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **10 баравари** миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

2-ўрин учун — II даражали диплом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **5 баравари** миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

3-ўрин учун — III даражали диплом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **3 баравари** миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти.

б) республика финал босқичида:

1-ўрин учун — I даражали диплом ва ҳар ойлик пул таъминотининг **50 фоизи миқдорида** бир йил давомида тўланадиган пул мукофоти;

2-ўрин учун — II даражали диплом ва ҳар ойлик пул таъминотининг **20 фоизи миқдорида** бир йил давомида тўланадиган пул мукофоти;

3-ўрин учун — III даражали диплом ва ҳар ойлик пул таъминотининг **10 фоизи миқдорида** бир йил давомида тўланадиган пул мукофоти.

Шунингдек, танловнинг республика финал босқичида фаол иштирок этиб ўзининг билим ва касбий маҳоратини юксак даражада кўрсатган, бироқ ғолиб ёки совриндор бўлмаган иштирокчилар ташкилий қўмита қарори билан қўшимча равишда бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёхуд қимматбаҳо совға билан рағбатлантирилиши мумкин.

Шунча рағбатлантиш бўлсада ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар содир этилмоқда. Бунга нима сабаб бўлмоқда? Шу ўринда бу борада ҳуқуқшунос Р.А.Хатамов қуйидагича фикрлайди. Унинг фикрича, ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларга имкон берган омиллар ва уларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайди:

1) ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш жараёнида, айниқса раҳбар ходимларни ротация қилишда қатъий тизимни, бунда 3 йил ва ундан ортиқ муддат хизмат қилган ходимларни мунтазам равишда ротация қилиш амалиётини йўлга қўйиш лозим;

2) ички ишлар органларининг бевосита аҳоли билан ишловчи соҳавий хизматлари фаолиятида “инсон омили” таъсирини чекловчи воситаларни тўлиқ жорий этиш мақсадга мувофиқ⁵.

⁵ Хатамов Р. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларга имкон берган омиллар ва уларни бартараф этиш масалалари //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 137-148.



Ушбу олимнинг фикрларига қўшилган холда бугунги кунда рағбатлантириш усулини ҳам тўғри қўлланмаслиги ходимларни соҳада ҳақиқат йўқ деб ўйлашига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, ички ишлар органларида рағбатлантириш чораларини қўллашни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз:

биринчидан, ички ишлар органларида рағбатлантиришга оид қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини янада кенгайтириш;

иккинчидан, турлича талқин қилинадиган ёки коррупциянинг юзага келишига йўл қўядиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш, шунингдек, қонун нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиётига тўлиқ ўтиш;

учинчидан, рағбатлантириш ёки мажбурлов таъсир чораларини ижро этувчи фаолияти устидан ҳудудий касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

тўртинчидан, ички ишлар органларида ходимларни самарали иш фаолиятини рағбатлантириш учун ягона автоматлаштирилган тизимини жорий этиш.

References:

1. Киселева О. М., Малько А. В. Институт правового поощрения в России: историко-юридический аспект // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1999. №. 3 (226). С. 40. Также см.: Бахрах Д. Н. Поощрение в деятельности публичной администрации // Журнал российского права. 2006. № 7. С. 71; Осинцев Д. В. Методы административного воздействия. СПб.: Юридический центр «Пресс», 2005. С. 101; Жураев А. Давлат фуқаролик хизматида рағбатлантириш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 8/S. – С. 326-335.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айланттириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори [Электрон манба: <https://www.lex.uz/uz/docs/6364837>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори [Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/3430641>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги “Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 539-сон қарори [Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5600136>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].
5. Хатамов Р. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларга имкон берган омиллар ва уларни бартараф этиш масалалари // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 137-148.